

Тошкент ислом институтида Олий маъҳад талаба қизлари ўртасида «Қуръон мусобақаси - 2024» кўрик танлови ўтказилди.



10:46 / 19.02.2024 1608

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, институт ректори Муҳаммадолим домла Муҳаммадсиддиқов, Таҳфизул Қуръон кафедраси мудири Жаҳонгир қори Неъматов, проректорлар қатнашди.

Мусобақа ҳифз ва тиловат йўналишида бўлиб ўтди. Унда қорияларнинг чиқишларини Таҳфизул Қуръон кафедраси қори устозлари баҳолаб боришди: Валихон қори Азимбоев, Содикжон қори Қурбонов, Жаҳонгир қори Рўзиев ва Ислонхон қори Убайдуллаевлар.

Мусобақа якунида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Ҳифз йўналишида:

- 1-ўрин: 2-курс талабаси Валихонова Оминахон;
2-ўрин: 1-курс талабаси Юсуфий Руқайя;
3-ўрин: 1-курс талабаси Музаффархонова Робия.

Тиловат йўналиши бўйича:

- 1-ўрин: 4-курс талабаси Икромова Моҳинур;
2-ўрин: 2-курс талабаси Йигиталиева Эъзоза;
3-ўрин: 4-курс талабаси Комилова Малоҳат.

Ғолиба қория қизларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалари мукофот сифатида топширилди.